

## ХЎЖАНАЗАР ҲУВАЙДО АДАБИЙ МЕРОСИНИНГ КЎЛАМИ ВА ИЛМИЙ ТАСНИФИ

Исломиддин ХОЛМУРОДОВ

магистр

Термиз давлат университети  
Термиз, Ўзбекистон

### Аннотация

Мақолада Хўжаназар Ҳувайдо адабий меросининг кўлами ва илмий таснифи таҳлил этилган.

**Калит сўзлар.** Хўжаназар Ҳувайдо, Гойибназар эшон, ижод кўлами, ақоид илми, сўфийлик, Қиёмат куни.

## МАСШТАБ И НАУЧНАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ ЛИТЕРАТУРНОГО НАСЛЕДИЯ ХУЖАНАЗАРА ХУВАЙДО

Исломиддин ХОЛМУРОДОВ

магистр

Термезский государственный университет  
Термез, Узбекистан

### Аннотация

В статье приводится научный анализ масштаба и научной классификации литературного наследия Хужаназара Хувайдо.

**Ключевые слова.** Хужаназар Хувайдо, Гойибназар эшон, масштаб творчества, наука “ақоид”, суфизм.

XVIII асрнинг етук намояндаларидан бири бўлмиш Хўжаназар Ҳувайдо ўзбек мумтоз шеърлятида ўзига хос ўринга эга бўлган буюк мутасаввуф шоир ҳисобланади. Ундаги дунёқарашнинг шаклланишида Хожа Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машраб ҳазратларнинг диний-тасаввуфий, фалсафий фикрлари ва асарларининг таъсири жуда ҳам катта аҳамият касб этган.

У ўз қишлоғида мактаб очиб, узоқ вақт ўзи ўша жойда мактабдорлик билан шуғулланган, қолган вақтларида қосиблик билан ҳам машғул бўлган. Хўжаназар Ҳувайдо мумтоз шеърлятимизнинг деярли ҳамма жанрларида ижод қилган. Унинг бизгача 351 ғазал, 28 рубоий, 41 тўртлик, 3 мухаммас, 1 мусаддас, 1 мусамман, 1 мустазод, 3 маснавий

ҳамда ахлоқий-дидактик мазмундаги «Роҳати дил» манзумаси кирган девони етиб келган.

Хўжаназар Хувайдо отаси сўфий Ғойибназар эшон домла хонадонида улғаяди. Дастлаб, падари бузрукворидан ислом динининг асосларини, фикҳ яъни ислом ҳуқуқшунослиги илмини, қол илмини ҳамда ҳол илмини чуқур ўрганди. Бу ҳақда шоирнинг ўзи:

*Ҳам ўқуб илму адаб, бўлдум “Ақойид” хони ишқ,  
Мушкilotу илми фикҳдин сўрсалар бердим жавоб,*

деб ёзди.

“Ақойид” илми ақидага доир илм бўлиб, ижодкор бу ерда илоҳий ишқ илмини, яъни тасаввуфни назарда тутмоқда. Тасаввуф тарихидан маълумки, сўфийлар илоҳиёт назариясини эгаллаш учун мадрасада таҳсил олиш зарурлиги ҳақида қайғурган эмаслар. Тарикат йўлига кириш учун толибдан биринчи ўринда фикҳ илмини жуда яхши билиши талаб этилган. Бу илми илми қол, яъни зоҳирий сўз билан англатиладиган илм деб билишган. Илми ҳол эса сўфийлик илми бўлиб, мурид ўзининг пири муршиди назорати остида тавҳид каломини зикр қилиш билан ўрганган. Хўжаназар Хувайдо ҳам ҳар иккала илмда дастлабки сабоқларни отасидан олганини айтади. Хувайдо ижодини ўрганиш бизга Ҳақни янада яқиндан танишимизга катта ёрдам беради.

Шоирнинг барча шеърлари халқ орасида жуда ҳам машҳур бўлган. Бундан ташқари у Иброҳим Адҳам ҳақидаги “Иброҳим Адҳам” қиссасини ҳам ёзган. Таъкидлаганимиздек, Хувайдо яшаган давр оғир ва уқубатли бўлганлиги шоирнинг қуйидаги мисраларида ўз ифодасини топди:

*Қаю кун келдим жаҳонда бўлмадим шод, эй кўнгул,*

*Бўлмадим зиндони ғамдин ҳаргиз озод, эй кўнгул.*

Юқоридаги мисраларида шоир ўзи яшаган даврни таърифлар экан, бундай муҳитда шод бўлолмаганини ва ҳар қанча уринса ҳам Ғамнинг зиндонидан озод бўла олмаётганини айтиб ўз кўнглига мурожаат қилади.

Шоир каламига мансуб ғазалларда кучли рухий кечинмалар, диний-маърифий ғоялар, адабий-эстетик карашларини кўришимиз мумкин. Аввало, Ҳақ таолонинг сифати ҳақида сўзлайди. Хўжаназар Хувайдо Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг чексиз буюк қудратидан таажжубда қолди. Ана шу илоҳий қудратни Осмонда Ой билан Қуёшни яратиб, дунёни чароғон этганлигида, Ер билан Осмонни устунсиз, пасту баландсиз муаллақ тутганлигида кўрди. Бундай фикрни айтишига эса Қуръони каримдаги қуйидаги оятлар сабаб бўлган бўлса ажаб эмас:

“...Унинг белгиларидан (яна бири) – осмон ва Ер У Зотнинг амри билан (фазода муаллақ) туришидир. Сўнгра (қиёмат қойим бўлганида) У сизларни (ётган) ерларингиздан бир бор чақириши билан барчангиз бирдан (хисоб китоб учун) чиқурсизлар.” (“Рум” сураси 25-оят)

*Эрурсан бечуну бешубҳа, бемислу бемонанд*

*Яна ҳам бенамуна, бечигуна, холиқи аҳё.*

Бундан ташқари ўлганидан сўнг шундай буюк зот Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг хузурига қандай ҳолда бориши ҳақида кўп қайғуради ва қиёмат кунини кўп бор тилга олади. Жумладан қуйидаги байтда қиёмат соатининг дахшатидан ўзига Аллоҳдан паноҳ тилайди.

*Ўшал саҳрода қайнар мағзи сар мисли қазон янглиз,*

*Тилим тизга тушуриб ташна айлаб қилмағил расво.*

Бу ўринда “Ўшал сахро”дан мурод Қиёмат кунига ишорадир. Биламизки Қиёмат қойим бўлган вақтда жамики тирик жон у кунда ҳозир бўладилар. Қуръони каримда у кун ҳақида бир неча бор огоҳлантиришлар берилади.

“Айтинг: “У сизларни Ер (юзи)да яратиб қўйган зотдир. Сизлар (Қиёматда) Унинг ҳузурига тўпланурсизлар” (“Мулк” сураси 24-оят).

“(Барчангиз) Аллоҳга қайтариладиган кундан (қиёматдан) кўрқингиз! Сўнгра ҳар бир жон (эгаси)га қилган амалларига яраша нарса (мукофот ёки жазо) берилур ва уларга зулм қилинмас (“Бақара” сураси 281-оят).

Шоир бу мисралар орқали шундай улуғ Кунда ҳамма хишргоҳ майдонига йиғилади. Ўша вақтда ҳамма гўёки бошлари қайнар даражада иссиқ бўлади. Бу ҳолатни шоир мисли қозонга ўхшатади. Шоир кейинги мисрада ўша вақтда тилни тортилар даражада ташна қилиб расво айламагин дея Аллоҳга нола қилмоқда. У кундаги иссиқликнинг ўқувчига тушунарлироқ бўлиши учун кейинги мисраларда ўша кунни шундай тасвирлайди:

*Келур найза бўйи хуршиди тобон фавқи сар узра*

*Ўшал кун бошимизга чодари раҳматни қил пайдо.*

Яни шоирнинг таъкидлашича, хуршиди тобон (кўзни қамаштирувчи даражада нур сочувчи қуёш) бошимизга найза бўйигача келади. Ўшал кунда Ўзинггина раҳмат чодирини бошимиз узра пайдо қилгин.

Қиёмат куни ҳақида сўз борганда, албатта, сирот кўприги ҳақида ҳам кишилар онгида тасаввур ўйғонади. Хувайдо ҳам ғазалида сирот кўприги ҳақида шундай эслайди:

*Қадам қўйсам йиқитмоғил сиротал мустақим узра,*

*Гирифтори жаҳийм айлаб қулингни қилмағил расво.*

Сирот кўприги хақида ҳар бир мўмин ўзига яраша таассуротга эга. У кўприк шундай кўприкки қилдан ингичка, қиличдан ўткир, икки тарафининг масофаси минг йиллик йўл, ўртада тубсиз жарлик, остида эса жаҳаннам олови ёниб туради. Шоир ҳам шу даҳшатларни ёдга олиб агар сиротул мустақим (тўғри йўл) узра қадам қўйгудек бўлсам, мендек ожиз қулингни жаҳаннамга гирифтор айлаб холимни расво қилмагин дейди. Кейинги бандларда шоир ўз кўнглидан ўтаётган ғам андуҳларини ҳам айтиб ўтади:

*На хуш бахти саодатдур Муҳаммад «умматим» деса,  
«Санингдек умматим йўқ» десалар фарёду вовайло.*

Агар ўша қиёмат кунни қайта тирилсам ва Пайғамбаримизнинг хузурларига чикгудек бўлсам, менинг умматим дея мени қарши олсалар бу не бахт дейди шоир. Аммо хузурларига чиққан вақтимда сенингдек умматим йўқ деса бу дардга фарёдлар айтаман дейди. Кейинги мисрада эса худди шу ҳолатда халойиқ олдида термулиб қолсам, Қиёматнинг қаро кунлари мен учун айнан ўша соатда бошланади, дейди шоир:

*Халойиқ олдида шарманда бўлиб термулиб қолсам,  
Қаро кунлар ўшал соат бошимга бўлғуси пайдо.*

Кейинги мисраларда эса, шоир бу ҳаёти дунёда “Муҳаммад умматиман” дея қуруқ тил бирла даъво қиламан. Аммо тоқат ва тақвонинг ўрнига фақат емак ичмак билан машғул бўлиб қолмоқдаман дейди:

*Қуруқ тил бирла айтурман: «Муҳаммад умматиман», деб  
Емак-ичмак ишим бўлди, қани тоат, қани тақво?*

Айни шу ўринда “Муҳаммад умматиман” деган ҳар бир кишига огоҳлантириш ҳам бор. Уммат бўлгани холда тақвони ва тоқатни ўзига одат қилмаган кишининг аҳволи

киёматда хорлик бўлиши мумкинлигига ишора бор.  
Хўжаназар Хувайдо Охират ғами ҳақида қайғуриш билан  
бирга жамиятдаги адолатсизликларни ҳам айтар экан. Бундай  
дунёнинг ғам андухлари билан машғул бўлиб охиратда  
сўралажак ҳисоб китобни ҳам унутмаслик лозимлигини  
айтади.

Хўжаназар Хувайдо куйидаги байтлари орқали зулм ва  
адолатсизлик, илмсизлик, жаҳолат, молу дунёга хирс кўйиш  
оддий ҳолга айланган мусибатли дамларда ўз дардини,  
тушуна оладиган ва ҳар доим ёнида турадиган содиқ дўст  
топа олмаганлиги айтади:

*Юрогим гуссага тўлди, кишим йўқ айтгали ҳолим,*

*Нетай, дард айтгудек бир дардманд одам тополмасман.*

*Куларлар қаҳқаҳа айлаб, нечук беғам кишилардур,*

*Куларга бир замоне хотири беғам тополмасман...*

Бу ўринда шоир ўз замонасининг нақадар оғир  
эканлигига қарамасдан, ўзлари яшаётган жамият дунёдан  
ортда қолиб бораётганини билсаларда ғам-ғуссага ботиш  
ўрнига хандон отиб кулаётганликларини ўзида эса уларга  
ўхшаб кулишга ҳатто бир лаҳзалик беғам вақти йўқ эканини  
айтади. Бундай ҳолатга биз Файзуллоҳ Абу лайс  
Самарқандининг “Танбеҳ ул ғофилин” асарида келган  
куйидаги ҳадис билан изох беришни лозим топдик: “Ибн  
Умар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинди: “Пайғамбар  
(с.а.в.) бир куни масжидга кирдилар, қавм гапириб кулишиб  
турарди. Пайғамбар алайҳиссалом уларнинг олдида тўхтаб  
салом бердилар ва уларга “Лаззатларни кесувчи нарсани кўп  
зикр қилинглари”, дедилар. Бизлар: “Ё Расуллаллоҳ,  
лаззатларни кесувчи нарса нима?” деб сўрадик. “Ўлим”  
дедилар. Шундан кейин яна бир куни чиқдилар. Қавм

кулишиб турган эди. Уларга салом бериб: “Огоҳ бўлинглар! Менинг нафсим кўлида бўлган Зотга қасамки, агар мен билган нарсаларни сизлар билганингизда эди, албатта камроқ кулиб кўпроқ йиғлар эдингиз” дедилар. Шундан сўнг, яна бир масжидга чиқдилар. Қавм кулишиб гапиришиб турган эди уларга салом бериб: “Албатта ислом ғариб ҳолатда бошланди ва ғариб ҳолатга қайтади. Қиёмат кунда ғарибларга қандай ҳам яхши”, дедилар. Сўрашди: “Қиёмат кундаги ғариблар кимлар?” “Одамлар бузилиб кетган вақтда улар салоҳият ва яхшиликда бўладилар”, дедилар.”

*Жароҳат бўлди бағрим тиги хасрат бирла, ман найлай,*

*Юруб излаб табиблардин анга марҳам тополмасман.*

*Мусибатхонадур дунё, нечук одам бўлур беғам,*

*Ўзимни, эй Хувайдо, лаҳзае беғам тополмасман.*

Мусибатхона дейилишидан мурод киши бу дунёсида охират ғамини ейиши лозим. Мадомики киши бу ҳаёти дунёга Ҳақни танимоқ учун келган экан. Демак бу ҳаёти дунёда Ҳақни таниш дарди билан яшамоқ лозим. Аммо шоир айтаётган мусибатнинг бошқа маъноси ҳам борки, у ҳам бўлса, ўзи яшаётган жамиятнинг дунёга келишидан мақсади нима эканини унутиб Ҳақни танишга сайи ҳаракат қилмаётганлигидир. Жамиятдаги ҳамма дунё дардида, атрофидаги ҳеч бир киши на Ҳақ дардида яшайди, на Пайғамбарини танийди, ва на охиратда булар учун жавоб бериши бор эканини англаб етади. Барчалари буларни ўйламайдилар ҳам, ҳаммалари беғам. Аммо шоир бирор марта беғам яшай олмаган. Ҳар қанча ўзини беғам ҳолатда изламасин, барибир топа олмаётганини айтади. Ёки:

*Дариго, топмадим бир дардманди,*

*Анису ҳамдаму ёри мувофиқ.*

Хўжаназар Хувайдо бу ўринда “дард” дея шубҳасиз, жамиятнинг нурли келажагига улкан тўсиқ бўлаётган, одамларни қийнаётган ижтимоий муаммоларни айтмоқда. Кундалик ташвиши молу дунё хирси бўлган инсонлар ўз ҳаётининг маъносини еб-ичиш, бола-чақа боқишдан иборат дейдиган авом халқ учун жамият муаммолари бегонадир.

Хувайдо диний оилада туғилиб вояга етгани, тасаввуфий ғоялар руҳида тарбия топгани сабабли ўзини жамият юрт тақдири учун жавобгар деб билди. Аҳли хос илмли кишилар қалбида Аллоҳ таолога бўлган илоҳий ишқ дардини ҳис қилдира олдириш, бу ҳаёти дунёнинг ўткинчи ва бевафо эканлигини эслатиш, нафсини ўлдириш, оддий авом халқ онгида эса иймон-эътиқодни мустаҳкамлаш билан кундалик турмишдаги ижтимоий муаммоларни оқилона ҳал этишга умид боғлади. Шу сабабли ҳам унинг бутун ижодида Илоҳий ишқ ва диний маърифатни тарғиб қилиш, Аллоҳга яқин дўст бўла олган комил инсон шахсини шакллантириш асосий ўринни эгаллади.

Бутун фаолияти давомида Баҳовуддин Нақшбандий тариқатининг ғояларига амал қилди, Илоҳий китоб бўлмиш Қуръони Каримнинг ғояларини тарғиб этишда сўзнинг бутун имкониятларидан усталик билан фойдаланди. Шу орқали ўзбек мумтоз адабиёти ривожига, тасаввуф ғояларини ижодий ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Тасаввуф адабиётини янги ғоя ва бадий усуллар билан бойишига сабабчи бўлди. Хўжаназар Хувайдонинг бадий-эстетик ғоялари алоҳида тадқиқот мавзуси бўла олади.

Хувайдонинг таъкидлашича, Аллоҳ таоло оламни етти кунда яратганидан кейин Ўзини танитиш ва бандаларини синаш мақсадида Одам Ато ва Момо Ҳаво (Ато бирла Ано)ни



яратди. Бу хақида Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

Айтинг: “Ҳақиқатан ҳам сизлар Ерни икки кунда яратган зотга кофир бўлурмисизлар ва ўзгаларни Унга тенглаштиурмисизлар?! Ана Ўша (барча) оламларнинг Парвардигори-ку?! У (Ернинг) устида тўла тўрт кунда тоғларни (пайдо) қилди ва уни баракотли қилди ҳамда ўша (ер)да унинг емишларини белгилади (тақсимлади). (Бу тафсилот) сўровчиларга мосдир.

Изоҳ: Ҳадисда келган маълумотга қараганда, Аллоҳ таоло Ерни якшанба ва душанба кунлари яратган. Тоғларни сешанба куни, дарахтлар, сув, ободон ва харобаларни чоршанба куни яратган. Шу билан тўрт кун ўтган. Жума куни осмонларни, шанба куни эса юлдузлар, қуёш, ой, фаришталар ва куннинг охирида Одам (а.с.)ни яратган. ("Мадорик тафсири" дан).

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Рўзматзода, Қодиркул. Ҳувайдонинг бадий фалсафий мероси. – Шарқ юлдузи, 2015. – № 3. – Б.5-6.

2. Самарқандий, Фақиҳ Абу Лайс. Танбеҳ ул ғофилин. //Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2020 . – 649 с.

3. Ҳувайдо. Роҳати дил. Иброҳим Адҳам //Табдил қилувчи ва нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Қодиркул Рўзматзода. – Тошкент: Наврўз, 2011. – 350 б.

4. Ҳувайдо, Хўжаназар. Девон. //Табдил қилувчи, нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Қодиркул Рўзматзода. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 245 б.